



Characteristics of philosophical deterministic paradigms of economic policy

Adiba ASRAQULOVA¹

Namangan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2021

Received in revised form

15 November 2021

Accepted 20 December 2021

Available online

15 January 2022

Keywords:

globalization,
renaissance,
civil society,
thinking,
economic activity,
theory,
reform,
market.

ABSTRACT

In this article, the theoretical issues of the formation of economic thinking of young people are considered from a socio-philosophical point of view. In the article, theoretical conclusions are also developed and proposed, as well as recommendations for the formation of economic thinking among young people.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp304-310>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Иқтисодий сиёсатнинг фалсафий детерменистик парадигмаларининг ўзига хослиги

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

глобаллашув,
ренессанс,
фуқаролик жамияти,
тафаккур,
иқтисодий фаолият,
назария,
ислоҳот,
бозор.

Мақолада ёшларнинг иқтисодий тафаккурини шакллантиришга доир назарий масалалар ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада ёшларнинг иқтисодий тафаккурини шакллантиришга доир назарий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

¹ Researcher at Namangan State University. Namangan, Uzbekistan.

Характеристика философских детерменистических парадигмов экономической политики

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

глобализация,
возрождение,
гражданское общество,
мышление,
экономическая
деятельность,
теория,
реформы,
рынок.

В данной статье, рассматриваются теоретические вопросы формирования экономического мышления молодежи, с социально-философской точки зрения. В статье, также разработаны и предложены теоретические выводы, а также, рекомендации по формированию экономического мышления у молодежи.

Ҳаётда ҳар бир масала ёки муаммоларнинг ўз парадигмалари мавжудки, бу парадигмалар тўғри ишлатилса, улардан оқилона фойдаланилса ёки тўғри татбиқ этилса, албатта, бундай парадигмалар ёрдамида ҳар қандай мураккаб тусдаги муаммоларнинг ҳам ечимини топиш мумкин. Хўш, парадигма нима? У қайси соҳаларда кўпроқ қўлланилади? Иқтисодий парадигма фалсафий парадигмалардан қандай фарқ қилади ёки қандай айнанлик жиҳатлари мавжуд каби саволларга жавоб топиш орқали бу масаланинг моҳиятини очиш мумкин. Фалсафа илмида “парадигма” икки хил маънода ифода этилади, яъни, биринчидан, мавжуд воқеликнинг хусусиятларини тушунчалар тизими орқали ифодаладиган қатъий илмий назария бўлса, иккинчидан эса маълум тарихий давр мобайнида кун тартибига қўйилаётган у ёки бу масаланинг ечимини топиш, фойдаланиш усулларини излаш борасида яратилган моделлар ва бошқа концептуал ишланмалар ҳақида билдирилган илмий фикрлар тизимидир. Фалсафий парадигмаларнинг алмашиши илмий-фалсафий дунёқараш тизимида катта туб сифатий ўзгаришлар содир бўлганлигини билдиради. Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодий сиёсатнинг фалсафий парадигмалари деб, иқтисодий тушунча ва атрибутлар орқали маҳаллий ва жаҳон иқтисодиётининг моделларини тасвирлаб берувчи назария, ғоя ва фикрлар тизимига айтилади.

Марказий Осиёда яшаган қадимги халқлар ўзлари яшаб турган ҳамда уларга қўшни бўлган бошқа халқларнинг географик жойлашувини, у ердаги табиий бойликларни яхши билишган ва шунга қараб ишлаб чиқаришни ташкил этиш, савдо-сотик олиб бориш, маданий алоқалар ўрнатиш ишларини йўлга қўйганлар.

Биринчи навбатда, географик муҳит ва табиий омилларнинг инсон ҳаёти ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятига таъсир этишини англаб етган ҳолда табиат бойликларини асраш, кўпайтириш ва тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақида қайғурганлар. Табиат ва жамиятнинг уйғун ривожланишини таъминлаш учун сув, ҳаво, олов, тупроқдан уларни ифлос қилмасдан фойдаланишни юксак маънавий қадрият деб билганлар. Ҳатто, бу борада “Авесто”да ҳам бир қатор фикрлар таъкидланган бўлиб, жумладан, мамлакатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг географик ўрни, ҳудудий жойлашуви, ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимотни ташкил этиши, савдо-сотик ишларини йўлга қўйиш масалалари ўзларини ўраб

турган географик муҳит сабабларига кўра, яъни географик детерминизмга асосланган ҳолда ифодаланган. Шунинг учун ҳам уни иқтисодий сиёсат масаласини ифодалашнинг дастлабки фалсафий парадигмаси дейиш мумкин. Аниқроғи, ундаги фикрларнинг, биринчидан, географик детерминизм, иккинчидан эса эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал тамойилларига асосланган ҳолдалиги баён қилинганлиги учун ҳам уни иқтисодий сиёсатнинг дастлабки фалсафий детерменистик парадигмаси деб аташ мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий сиёсатнинг бундай дастлабки фалсафий детерменистик парадигмасини қадимги юнон мутафаккирларининг фалсафий ғояларида ҳам учратиш мумкин.

Маълумки, қадимги дунё файласуфлари ҳали инсоният цивилизациясининг тонгидаёқ одамлар ўрнашган географик маконлар, уларнинг маънавий дунёсига, эҳтиёж ва манфаатларига, иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсир қилади деб ўйлашган. Масалан, Аристотель ўзининг “Сиёсат” номли китобида: “...совуқ мамлакатда яшовчи аҳоли қўрқмас ва жасурдирлар, аммо бирон-бир нарсани ўйлаб топиш, ижод, ихтиро қилиш қобилиятига эга эмасдирлар. Шунинг учун ҳам улар ўз эркинликларини бошқаларга нисбатан узоқ вақт сақлаб қолган бўлсалар-да, бироқ ўзларининг ён қўшнилари бошқаришга қодир эмаслар. Жанубий халқлар чуқур мулоҳаза юритувчидир, бироқ улар ҳаракатчан ва чаққон эмас, ялқовдирлар, шунинг учун бўйсунуш ва қуллик уларнинг “табиати”га хосдир. Греklar эса ҳар иккаласи ўртасида яшаганликлари учун ҳам уларга қараганда ҳар томонлама устундирлар” [1], – дейди. Аристотелнинг географик муҳитнинг одамлар ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги мазкур фикри Александр Македонский томонидан ўзга халқларга нисбатан реакцион иқтисодий сиёсат юритишнинг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам мазкур ғоянинг жаҳонга иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш илинжида юрганлар учун “дастурул амал” бўлиб хизмат қилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Юқорида иқтисодий сиёсатнинг фалсафий детерменистик парадигмасини баён қилиш бўйича милоддан аввалги 1-минг йилликнинг биринчи чорагида яшаган Зардушт билан милоддан аввалги 384–322-йилларда яшаган Аристотелнинг фикрларини тарихий ва мантиқий жиҳатдан таққослайдиган бўлсак, бирининг “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал” тамойили асосида географик муҳитнинг инсон ҳаётига ижобий таъсир этишини, бунда эзгулик билан ёвузлик ўзаро курашиб эзгуликнинг тантана қилишини ифодалаганлигини, иккинчисининг эса географик муҳитнинг инсон ҳаётига таъсирини “ўзга халқларни камситиш” эвазига грек-македонларнинг босқинчилик сиёсатини оқлаганлигини, яъни миллатчилик ва буюк давлатчилик шовинизми ғоясига йўл очиб берганлигини кўрамиз.

Иқтисодий сиёсатнинг фалсафий детерменистик парадигмасининг кейинги ривожини марказий осиёлик мутафаккирлар Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абдул Аббос Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби алломаларнинг табиий-илмий, ижтимоий- фалсафий фикрлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада Абу Райҳон Беруний томонидан бажарилган илмий ишлар ва уларда илгари сурилган ғоялар ниҳоятда қимматлидир. Буюк мутафаккиримиз Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ўзининг 1026-йилда ёзган “Геодезия”, “Китобу таҳдиди ниҳоёт ул-амокин ли тасҳиҳи масофат ул-масокин” – “Турар жойларнинг чегараларини белгилаш ҳақида китоб” асарида

дунёнинг етти иқлими масаласида фикр юритиб, уларни қуйидагича таснифлайди, яъни:

биринчи иқлимдаги мамлакатларга – Судон, Яман, Уммон, Жанубий Ҳиндистон, Хитойнинг энг жануби Ҳиндихитой;

иккинчи иқлимдаги мамлакатларга – Мағриб Марокаш, Ифриқиё Тунис, Ливия, Миср ва Асвон, Ўрта Арабистон, Макрон, Синд, Ўрта Ҳиндистон, Жанубий Хитой;

учинчи иқлимдаги мамлакатларга – Африканинг энг шимоли, Искандария ва Нил дельтаси, Фаластин, Иордания, Сурия, Ироқ, Форс Жанубий Эрон, Сейистон, Шимолий Ҳиндистон;

тўртинчи иқлимдаги мамлакатларга – Зуқоқ Гибралтар, Андалус Жанубий Испания, Греция ороллари, Рум Кичик Осиё, Озарбайжон Табриз, Дайлам ва Табаристон Каспий жануби, Хуросон, Балх ва Тўхористон Термиз атрофлари, Бадахшон, Қобул, Кашмир, Тибет, Ўрта Хитой;

бешинчи иқлимдаги мамлакатларга – Галисия Шимолий Испания, Шимолий Рум, Армания, Дарбанд, Хазар денгизи Каспий, Хоразм, Бухоро, Сўғд Самарқанд, Шош Тошкент, Фарғона, Исфижоб Чимкент-Сайрам, Қашқар;

олтинчи иқлимдаги мамлакатларга – Франк Ўрта Европа, Хазарлар, Волга этаги, Турклар мамлакати;

еттинчи иқлимдаги мамлакатларга – Варанг Балтика, Сақлаб Славянлар, Руслар, Булғор ва Сувор Ўрта Волга, бажанак ва ўғузлар ерларини киритади [2].

Марказий Осиёда олдин босқинчи Россия империяси 1862–1917-йиллар томонидан маҳаллий халқни ҳар томонлама камситишга, таҳқирлашга, устидан кулишга, эзишга асосланган империалистик колониал, сўнгра рус большевиклар томонидан ўрнатилган мазмуни ўша, бироқ шакли ўзгартирилган социалистик дунёвий тартиб (1917–1991) нинг ўрнатилиши оқибатида маҳаллий халқнинг иқтисодий сиёсат юритиш ишларига аралашуви чеклаб қўйилди ва бу ерда давлат мулкчилигининг якка ҳукмронлигига асосланган марксизм-ленинизмнинг синфий кураш ғоясидан озикланган янги пролетарча иқтисодий сиёсат олиб борилди. Сиёсат ва иқтисодиёт тушунчалари социализм-коммунизм ғояларига зид бўлган буржуача қараш сифатида фалсафий жиҳатдан талқин қилинди. Масалан, 1990-йилда нашр қилинган “Энциклопедик луғат”нинг 2-томида: “Экономика (иқтисод): 1) муайян ижтимоий-иқтисодий формациядаги ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи, жамиятнинг иқтисодий базиси. 2) муайян мамлакатнинг халқ хўжалиги ёки халқ хўжалигининг тегишли тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ўз ичига олган бирор қисми” [3], – дейилган.

Худди шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, “иқтисодиёт” тушунчаси “сиёсий иқтисодиёт” тушунчасига алмаштирилади. Чунки собиқ СССРдаги давлат раҳбарлари амалда иқтисодий сиёсат билан шуғулланган бўлсалар-да, бироқ мафкуравий жиҳатдан уни зўрма-зўраки, яъни механик тарзда иқтисодиётни сиёсатга хизмат қилдиришга олиб келишган. Бунинг исботи тариқасида “Энциклопедик луғат”нинг тегишли саҳифасида “сиёсат”га берилган таърифдан англаш мумкин. Унда жумладан: “Сиёсат - синфлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ фаолият соҳаси. Сиёсатнинг моҳиятини давлат ҳокимиятини қўлга олиш, сақлаб қолиш ва ундан фойдаланиш, давлат ишларида қатнашиш, унинг фаолият формалари, вазифалари ва мазмунини

аниқлаш масалалари ташкил этади” [4], – дея таъриф ва изоҳлар берилган. Шундай бўлишига қарамасдан, худди шу жойда, амалда уларнинг синфий кураш тамойилларига асосланган марсча-ленинча фалсафий ғоя асосида иқтисодий сиёсат юритганликларини инкор этиб бўлмайди. Буни, масалан, жаҳон миқёсида географик муҳит омилларидан фойдаланган ҳолда социалистик тузумни бунёд этиш учун Осиё, Африка, Европа, Америка қитъасида жойлашган бир қатор мамлакатларга иқтисодий, сиёсий, маърифий ёрдам бериш борасида амалга оширган ишлари мисолида кўриш мумкин. Албатта, бундай ёрдамлар ортида синфий кураш ғоясига асосланган, дунёда ягона тартиб-социалистик тузумни қарор топтиришга қаратилган иқтисодий сиёсат, яъни иқтисодий сиёсатнинг мазмунан ғайриинсоний бўлган марксча-ленинча фалсафий парадигмаси ётганлигини ҳеч кимга, ҳеч қачон расмий равишда ошкор қилмаганлар. Унинг сири собиқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг барчага маълум бўлиб қолди. Буни биргина большевик ҳукмдорларининг собиқ СССР худудида миллий давлат чегараланишлари ёки ҳудудларни иқтисодий зоналарга бўлиш борасида ўтказган иқтисодий сиёсати мисолида кўриш мумкин.

Иқтисодий сиёсатнинг бундай пинҳона, ниқобланган шаклдаги марксча-ленинча фалсафий парадигмаси зарарли вайронкор ғоя сифатида ҳаёт синовларида рақобатда четга чиқишга мажбур бўлди.

Ўзбек халқи мустақилликка эришган кунидан бошлаб, жаҳон тажрибаси ва миллий қадриятларимизга таянган ҳолда ёш авлоднинг ҳар томонлама билимининг сифат даражасига алоҳида эътибор берган ҳолда иқтисодий тафаккурини янада бойитиб, унинг жаҳон иқтисодиётида рақобатбардошлигини янада ошириш орқали янгича иқтисодий сиёсат, яъни миллий иқтисодиётга асосланган неоиктисодиёт юритишга ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳаракатнинг тамойил, усул ва воситалари халқимизнинг миллий истиқлол ғоясидан озиқланиб, унинг миллий манфаатларини ифодалайдиган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзгача янги “Ҳаракатлар стратегияси”ни ўзида акс эттирган иқтисодий сиёсатнинг неоиктисодиёт деб номланувчи фалсафий парадигмаси орқали баён қилинмоқда.

Марказий Осиё, хусусан, ўзбек халқининг тарихий ривожланиш жараёнларида иқтисодий сиёсат юритишининг генезиси, шаклланиши ва ривожланиши масаласи тадқиқини яқунлашдан олдин, Ғарбий Европа файласуфларининг бу борада билдирган айрим фалсафий фикрларини қисқача таҳлил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ғарбий Европада иқтисодий сиёсат юритиш ғоясининг асосчиларидан бири немис иқтисодчиси Фридрих Лист (1789–1846) ҳисобланади. У ўзининг машҳур “Сиёсий иқтисоднинг миллий тизими” (1841) номли асарида: “Эркин савдо – бизнинг мақсадимиз, тарбиявий характерга эга бўлган бож эса бизнинг йўлимиз. Мамлакат иқтисодиёти учун кўпроқ мустақил маконлар керак, яъни ҳар бир ҳудуд иқтисодий жиҳатдан бақувват ва мустақил бўлиши, улар ўртасидаги ички алоқа ва ўзаро товар алмашиш доимо узвий бирликда бўлиши зарур. Очиқ иқтисодиёт ижтимоий тизимнинг ривожланишида муҳим омил вазифасини ўтайди, бунга шубҳа йўқ. Бироқ у бозор иқтисодиёти ривожланмаган мамлакатларнинг миллий давлат суверенитетига хавф туғдириши мумкин” [5], – деган ғояни илгари суради. Шундай қилиб, Ф.Лист мамлакат иқтисодиёти учун “кўпроқ маконлар зарурати” ғоясини илгари суриб миллий иқтисодий сиёсат юритишдан геоиктисодий сиёсат юритишга ўтиш соҳасида янги фалсафий қарашга асос солган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин иқтисодий сиёсат масаласи АҚШнинг иқтисодчи, сиёсатчи, файласуф олимлари томонидан ҳар томонлама тадқиқ қилиниб, “ҳаётий эҳтиёж ва манфаатлари” назарияси номи билан АҚШнинг ички ва ташқи сиёсатида бевосита қўлланила бошлади. Мазкур назариянинг мақсади ва туб фалсафий моҳияти “жаҳонда қурол кучи билан эмас, балки, иқтисодий куч - қудратга таяниш орқали устунликка эришишдан иборат” эди. Шунинг учун ҳам АҚШда иқтисодий сиёсат сиёсатдан устун қўйилди ва узлуксиз равишда олиб борилган геоиқтисодий сиёсат туфайли у жаҳонда иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлатга айланди.

АҚШнинг геоиқтисодий сиёсатига асос бўлган ушбу назария кўпгина ғарб сиёсатшунослари, файласуфлари ва иқтисодчиларининг ғоявий, мафкуравий қарашларининг илмий асоси бўлиб хизмат қила бошлади.

Ғарбнинг кўзга кўринган олимларидан Джон Кеннет Гэлбрейт (1908–2006) ўзининг “Америка капитализми” (1952), “Янги индустриал жамият” (1967), “Адолатли жамият” (1996) номли асарларида халқаро миқёсдаги иқтисодий сиёсат, яъни геоиқтисодиёт туфайли ғарб мамлакатларининг устунликка эришганлиги, бу уларнинг юқори даражадаги ҳаёт сифатларини яхшилашга сазовор бўлганлигига алоҳида эътибор қаратади [6].

Джон Кеннет келгусида жамият ривожланиши учун курашчан миллатчилик балосидан қутилиш кераклиги тўғрисидаги фикрни илгари сурган бўлса, яна бир олим Питер Фердинанд Друкер (1909-2005) ўзининг “Корпорация назарияси” (1946), “Капитализмдан кейинги жамият” (1993), “Менежмент энциклопедияси” (2004) номли китобларида “Иқтисодий сиёсатдаги устунлик юқори малакали меҳнат аҳлининг ақлий салоҳиятига боғлиқ. Ушбу омилга менсимасдан қараш фақат шундай йўл тутаётган давлатларнинг келажагига эмас, балки, жаҳон ҳамжамиятининг ривожига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказиши мумкин [7]”, – дейди.

Глобал иқтисодиёт бўйича америкалик кўзга кўринган олим Лестер Карл Туроу ўзининг “Юзма-юз: Япония, Европа ва Америка ўртасида келгусида бўладиган иқтисодий тўқнашув” (1992), “Капитализмнинг келажаги” (1995) номли асарларида “XIX асрга келиб локал хўжалик юритиш миллий иқтисодиёт тизимига, XX асрда эса у глобал хўжалик юритиш тизимига ўтди. Кўриладиган фойда янги глобал иқтисодиёт тизимига кимнинг қандай даражада интеграциялашиб боришига боғлиқ бўлиб қолди. XXI асрга келиб, иқтисодий сиёсатдаги асосий стратегик ресурс - бу инсоннинг билими ва қобилияти, ундан қай йўсинда ва қандай мақсадларда фойдаланиш ҳисобланади” [8], – деган ғояни илгари суради.

Америкалик сиёсатшунос Самюэл Хантингтон (1927–2008) ўзининг “Цивилизациялар тўқнашуви ва янги дунёвий тартибнинг шаклланиши” (1996) номли асарида АҚШнинг энг янги даврдаги иқтисодий сиёсати ҳақида: “Ғарб – бу ноёб ва нодирдир, аммо у моҳир эмасдир. Ғарб қадриятларига ишониш ахлоққа зид ҳолатдир. Борди-ю, учинчи жаҳон уруши юз берса, бу цивилизациялар ўртасида содир бўлади. Дунёда АҚШ етакчилик, раҳбарлик қилмаган жойда зўрлик ва тартибсизликлар рўй беради, иқтисодий ўсиш бўлмайди, демократия чекланиб қолади. АҚШнинг халқаро алоқалардаги етакчилик, раҳбарлик қилиши америкаликларнинг турмушини яхшилади ва хавфсизлигини таъминлайди ҳамда шу асосда ер юзида эркинлик, демократия, очиқ иқтисодиётга асосланган янги халқаро тартиб шаклланади” [9], – деган ғоявий фикрни билдирадигани, бу фикрлари билан у

иқтисодиёт юритиш ёки иқтисодий сиёсат борасида бутун дунё учун иқтисодий ҳукмронлик борасида бир мамлакат салоҳиятига ортиқча баҳо бераётганлиги яққол сезилиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аристотель. Политика // Собрание сочинений. Т.3. – М.: Политиздат, 1984. – С. 187.
2. Беруний Абу Райхон. Геодезия. (Турар-жойлар ўртасидаги масофани аниқлаш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш). П.Г. Булгакова // Танланган асарлар, Том III. Тошкент: Фан, 1966. – Б. 134.
3. Энциклопедик луғат. 2-Том. Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси. – Т.: 1990.
4. Энциклопедик луғат. 1-Том. Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси. – Т.: 1990.
5. Фридрих Лист. Национальная система политической экономии. // www.samoderjavie.ru.
6. Гелбрейт Дж. Новое индустриальное общество. Перевод с английского. – М.: «Прогресс», 1969. – С. 140.
7. Друкер Фердинанд Питер. Энциклопедия менеджмента. // www.hobos.ru.
8. Туроу Карл Лестер. Будущее капитализма: как сегодняшние экономические силы формируют завтрашний мир. // www.patriotica.ru.
9. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. Перевод с английского. – М.: АСТ, 2003. – С. 87.
10. Nodirbek Kodirov Mamasoliyevich. (2021). Current issues of formation of information culture in youth. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5770626>.
11. Kodirov N. Problems of the globalization of information culture in the current time // *Știință, educație, cultură*. – 2020. – Т. 4. – С. 272–274.